

2009-3-сон

Жиноят содир этишга суиқасд қилган судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ жазо тайинланганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2008 йил 23 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, Х. 2007 йил 3 ноябрь куни «19E 0202» давлат белгили, «TOYOTA PRADO» русумли автомашинани бошқариб келаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан тўхтатилиб, автомашинани кўздан кечиришини маълум қилишганида, Х. автомашинани эшигини очмасдан, орган ходимларининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатган.

Шундан сўнг Х. бошқариб бораётган автомашинани ва унинг ёни кўздан кечирилганда автомашинадан «Калашников» автоматининг тиғ пичоғи ва 1050,28 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси топилганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 25-, 273-моддаси 5-қисми билан 15 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 219-моддаси 1-қисми билан 3 ой қамок жазоси, Жиноят кодексининг 59-, 61-моддалари тартибида 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ҳамда унга нисбатан 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия акти татбиқ этилиб, жазонинг ўталмай қолган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

2008 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган бўлиб, унда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу кодекс Махсус

қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги кўрсатилган.

Бироқ кассация инстанцияси суди томонидан ушбу қонун кучга киргандан сўнг Х.га оид жиноят иши кўрилган бўлса-да, маҳкумга нисбатан ушбу қонун талабига асосан энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмини қўллаш масаласи ҳал қилинмасдан хатога йўл қўйилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2009 йил 9 апрелда Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, Х.га Жиноят кодексининг 25-, 273-моддаси 5-қисми билан тайинланган 15 йил 10 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 58-моддаси қўлланилиб, 15 йилга келтирилди, Жиноят кодексининг 59-,61-моддалари тартибида узил-кесил 15 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Х.га нисбатан 2007 йил 30 ноябрдаги амнистия акти татбиқ этилиб, жазонинг ўталмай қолган қисми тўртдан бирига қисқартирилди.

Назорат иши ЖСҲ-36-09